

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

ПСИХОСОМАТИК КАСАЛЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ю. К. Нарметова

Тошкент тиббиёт академияси, в.б.б доценти

М. Ш. Ахмадова

Тошкент тиббиёт академияси талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунда соматик касалликларнинг келиб чиқишидаги омиллар муаммосини ўрганиш узоқ йиллар мобайнида тарихан шаклланган кортико-висцерал йўналиш ва психосоматик медицина доирасида олиб борилиши, психологик ва тиббий адабиётларда сурункали касалликлар келиб чиқиши хавфини оширувчи психосоциал омиллар, шунингдек, психосоматик касаллик билан касалланган беморларнинг психологик хусусиятларининг ўзига хослиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Психологик хизмат, психологик ёрдам, психопрофилактика, психокоррекция, психосоматика, психотерапия, бемор, психолог, психотерапевт, психодиагностика.

Сўнги пайтларда психосоматик касалликларга кўплаб мақоллар ва тадқиқотлар бағишланган. Таъкидлаш лозимки, психосоматика бу – тиббиёт ва психология фанларидаги йўналиш бўлиб, касалликларнинг вужудга келишида психологик омиллар таъсирини ўрганеди [4]. Ушбу фаннинг асосий қоидаси, психосоматик касаллик асосида эмоционал кечинмага жавобан аъзоларда патологик ва функционал ўзгаришлар кузатилади.

Психосоматика бўйича мухатахассис И.Г. Малкина-Пыхнинг келтиришича, «ХССТнинг маълумотларига кўра докторларга мурожаат этадиган касалларнинг 38% дан 42 % гача бўлган сони психосоматик касаллар тоифасига мансублирлар». П.И. Сидоров ва И.А. Новиковаларнинг таъкидлашича, ушбу рақамлар янада каттароқдир. Улар меҳнатга лаёқати аҳолининг 50-70 % психосоматик касалликлар билан касалланганликлари ҳақида гапириб, қуйидагиларни таъкидлайдилар: ошқозон ичак касалликлари, юрак-қон томир касалликлари, сурункали ноодатий касалликлар, эндокрин бузилишлар ва ҳ.к [1].

Бугунги кунда соматик касалликларнинг келиб чиқишидаги омиллар муаммосини ўрганиш узоқ йиллар мобайнида тарихан шаклланган кортико-висцерал йўналиш ва психосоматик медицина доирасида олиб борилди. Кортико-висцерал назарияга асосан, бир қатор соматик касалликларнинг юзага келиши соматик соҳанинг бирламчи функционал бузилишлари билан боғлиқ. Бу назария тарафдорлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар психосоматик муаммоларнинг энг муҳим саволларига жавоб бермоқда, унга кўра соматик жароҳатнинг у ёки бу органда “жой” олишига марказий бошқарув бузилишлари сабаб бўлади. Бироқ бир қатор муаллифларнинг эътирофларига кўра, мазкур назария намояндалари касалликларнинг келиб чиқишида ижтимоий-психологик омилларга етарли эътибор бермаганлар [1,2,6].

Сурункали соматик касалликларнинг келиб чиқишида психосоматик ўзаро муносабатларни тадқиқ қилган олимлар тадқиқотлари узоқ йиллар мобайнида психосоматик медицина доирасида олиб борилди. Психик таъсир кўрсатувчи омилларнинг соматик орган ҳолатига таъсири механизмларини тушунтиришда З.Фрейд “органларнинг рамзий тили” терминини

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

киритган. Унинг фикрича, у ёки бу тана аъзосидаги нуқсон асоциал интилишлар, фикрлар ва фантазиялар, қоидага кўра, сексуал майлларнинг бостирилиши билан боғлиқ.

Психосоматик йўналиш намояндаларидан бири Ф.Александр [2] фикрига кўра, соматик касалликларнинг ривожланишида урта омил етакчи роль ўйнайди:

1. Шахснинг индивидуал хусусиятлари, унинг фониди интрапсихик анланмаган низолар ётади;
2. Стресс вазиятларининг мавжудлиги;
3. Вегетатив нерв системасининг алоҳида бўлимлари шикастланишида конституционал мойилликнинг мавжудлиги.

Ф.Александр ўз назариясида психоген характерга эга бўлган соматик касалликнинг у ёки бу махсус сабабини таҳлил этади. Психоген характердаги соматик касалликларнинг конкрет формаларини тушунтиришда беморнинг эмоционал статуси тадқиқ этилган. Масалан, ичга ютилган ғазаб, бостирилган агрессия, шахсдаги агрессив тенденциялар гипертония касалиги, артритлар, мигрень, қандли диабетни келтириб чиқарар экан.

Психосоматик касалликлар, яъни келиб чиқишида психологик омиллар етакчи роль ўйнайдиган касалликлар қаторига юрак ишемик касаллиги ва миокард инфаркти, артериал гипертония ва ошқозон ҳамда 12 бармоқли ичак яраси хасталиклари, бронхиал астма ва қандли диабет, шунингдек, бир қатор касалликлар киритилган. Психосоматик йўналишда муҳим жиҳатлардан бири инсоннинг ички дунёсига киришга интилиш, унинг эмоционал ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, тиббий кўриқда, касалликларнинг даволаниши ва профилактикасида бемор шахси ролини таъкидлашдир [1,3,4,7].

Психологик ва тиббий адабиётларда сурункали касалликлар келиб чиқиши хавфини оширувчи психосоциал омиллар “стресс” ёки “психоэмоционал зўриқишлар” терминлари остида берилган. Бундай умумлаш одатда тўғри, чунки айнан сурункали ва ўткир психоэмоционал зўриқиш психосоматик ўзаро муносабатларнинг марказий бўғини ҳисобланади. У сурункали соматик касалликларни келтириб чиқарувчи нохуш психологик ва ижтимоий омилларни бир томондан, инсон организмидаги психофизиологик жараёнларни иккинчи томондан боғлайди.

Психосоциал зўриқиш термини остида одатда қондирилмаган ҳаётий эҳтиёжлар ва ҳаёт шароитлари билан боғлиқ негатив эмоционал ҳолатлар тушунилади. Нохуш эмоционал ҳолатларга хавотирланиш, қониқмаслик ҳисси, эмоционал дискомфорт, депрессия, стресс ва бошқалар кирди. Р. Конечний ва М.Боухал сурункали соматик касалликларнинг келиб чиқишида асосий эътиборни шахсларо муносабатлардаги низоларга қаратадилар: уларнинг фикрича, касалликнинг келиб чиқишида асосий эътиборни шахсларо муносабатлардаги низоларга қаратадилар: уларнинг фикрича, касалликларнинг келиб чиқишида 70% ҳолатлардан оилавий низолар, 20% хизмат доирасидаги муносабатларда юзага келадиган муаммолар ўрин эгаллайди, 10% ҳолатларда аралаш кўринишдаги шахсларо муносабатлардаги чигалликлар инсоннинг хасталикка чалинишига сабаб бўлади[6;10].

Н.Р.Салимованинг эътирофи эътишича, юрак қон томир касалликларининг вужудга келишида 59% ҳолатларда нерв психик зўриқишлар сабаб бўлган. Шуниси эътиборга лойикки, сурункали юрак хасталикларининг вужудга келишида асосан ишлаб чиқаришдаги низолар, касалликнинг асоратли кечишига ҳал қилинмаган оилавий низолар сабаб бўлган[9;11].

Е.К.Агеенкова фикрича, сурункали соматик касалликларнинг юзага келишида психологик омиллар роли шу билан белгиланадики, организмнинг бутун тизими доимий стресс даражасида бўлади, бу эса ундан органик ва функционал қайта куришни тақозо этади. Кучли даражадаги психосоматик ўзаро алоқадорликнинг сабаби диққат концентрациясини

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

организмнинг бутун фаолиятида ушлаб туриш ва бунда ипохондриянинг юзага келишидир. Бундай ҳолатларда психик соҳанинг организм вегетатив бўғинининг фаолиятига кириб бориши осонлашади ва к унинг асосий бошқарувчисига айланади [2;10;12].

Бугунги кунда соматик касалликларнинг барчасини психологик нуқтаи назардан кўриб чиқиш зарурати барча клиницист шифокорлар томонидан эътироф этилмоқда. Психосоматика эса В.Д.Тополянский ва М.В.Струковская фикрича, психика ва соматика ўртасидаги кўприк вазифасини бажарувчи методологияга айланиб улгурди. Инсон фақатгина рухий ва жисмоний саломатлик уйғунлиги бўлгандагина соғлом ҳисобланади. Бунда дисгармония ички (биологик, ирсий) ва ташқи (психоген, ижтимоий) омиллар натижасида юзага келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсон саломатлигини унинг жисмоний, рухий ва ижтимоий мукамаллиги билан тушунтириши бежиз эмас[10].

Шундай қилиб, “психосоматик бузилишлар” деганда, организмнинг функционал тизимида содир бўлган долзарб ва узоқ муддатли ўзгаришлар тушунилиб, авваламбор улар психоэмоционал омиллар билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ASKAROVA N. A., IBRAGIMOVA N. N. STEPS OF PSYCHOLOGICAL ASSISTANCE IN PERSONS WITH LOSS SYNDROME //THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука. – 2021. – №. 9. – С. 527-529.
2. Alikhanovich M. N. et al. IMPROVEMENT OF THE METHODOLOGY FOR THE FUTURE TEACHERS' PROFESSIONAL COMPETENCE DEVELOPMENT //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 9. – С. 2372-2380.
3. Аскарова Н. А., Намозов М. Х. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОЗДАНИЕ ПОЛОЖИТЕЛЬНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ВРАЧОМ И БОЛЬНЫМ //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2016. – №. 7. – С. 42-43.
4. Бекмиров Т. Психологические особенности неврозов у подростков //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 541-547.
5. Melibayeva, R. N., Khashimova, M. K., Narmetova Yu, K., Komilova, M. O., & Bekmirov, T. R. (2020). Psychological mechanisms of development students' creative thinking. *International journal of scientific & technology research*, 9(03).
6. Melibayeva R. N. et al. Psychological mechanisms of development students' creative thinking //International journal of scientific & technology research. – 2020. – Т. 9. – №. 03. q
7. Нарметова Ю. К. Актуальные проблемы организации психологической службы в клинических учреждениях //Человеческий фактор: Социальный психолог. – 2017. – №. 1. – С. 119-123.
8. Нарметова Ю. К. Особенности психокоррекционной работы с беременными женщинами //Контактная информация организационного комитета конференции. – 2016. – С. 35.
9. Нарметова Ю. К. Социально-психологический механизм организации психологических услуг в медицинских учреждениях (на примере больных с онкологическими заболеваниями) //Школа будущего. – 2015. – №. 3. – С. 148-153.
10. Нарметова Ю. Изучение социально-психологических подходов к проблемам здоровья и болезни //От истоков к современности. – 2015. – С. 304-306.



Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

11. Narmetova Y. K. ORGANIZATION OF THE PSYCHOLOGICAL SUPPORT IN THE CARDIOLOGY CLINICS //Theoretical & Applied Science. – 2016. – №. 7. – C. 28-31.
12. Narmetova Y., Kuldosheva G., Bekmirov T. The Psychological Services Role in the Psychodiagnostics and Psychocorrection of Psychosomatic Patients in the Psychoemotional Situation //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – T. 8. – №. 12. – C. 249-256.